

Қашқадарёда воҳани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигини ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилиб, бу борада ҳозирда кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди.

Режага мувофиқ, келгуси йилнинг 15 мартига барча маҳалла ва гузарларда, ширкат ва фермер хўжаликлари дала шийпонлари, оилавий пудратчи ва фермерларга ажратилган ер майдонларининг ён-атрофларига мева, манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, сугориш тармоқларини тозалаш ишлари амалга оширилади. Тадбирларда вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан 2002 йилда янгидан фойдаланишга топширилган мактаблар, коллежлар, қишлоқ врачлик пунктлари бинолари ва уларнинг ён-атрофларини кўкаламзорлаштириш ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, барча спорт иншоотларини 2003 йил Наврўз байрамигача тўлиқ таъмирдан чиқариш режалаштирилди.

(УзА).



Олий БАҚ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН


ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 14 декабр, шанба №196 (1413)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 декабр кунин Оқсаройда АҚШ давлат қотибнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алан Ларсонни қабул қилди.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, балки, деярли, барча соҳаларни қамраб олган. Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил март ойи-

да Америка Қўшма Штатларига ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама алоқаларни янада юқори босқичга кўтарди.

Бу, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳаммининг юксак суръатларда ўсаётганида ўз ифодасини топ-

моқда. Жумладан, 2001 йилда бу кўрсаткич 290 миллион долларга тенг бўлган эди. Жорий йилнинг ўтган ўн ойида эса ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 323 миллион доллардан ошди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари АҚШ сиёсий доираларида Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътиборни юксак кадрлаштини тасдиқлади.

А. Ларсон қабул учун

давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, АҚШ Марказий Осиёда ўз салоҳияти ва имкониятлари жиҳатдан етакчи ўринда турувчи Ўзбекистон билан кенг ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини қайд этди.

АҚШ мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Республикаимизнинг минтақадаги хавфсизлигини мустаҳкам-

лаш борасидаги, шунингдек, халқаро террорчилик, диний экстремизм ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний оқимида қарши курашдаги қатъиятини юксак қадрлайди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро манфаатли алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(УзА).

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ Тўғрисида АХБОРОТ

13 декабр кунин Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Сессиянинг иккинчи кунин янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини қўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлисининг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев ҳавола этди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича Сарисий тумани ҳокими П.Мадиев, «Хоразм шакар» очик турдаги акционерлик жамияти директори Қ.Хўжамуродов, «Наманганмевасазавот» вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Н.Қурбонбоев, «Комплекс тематик экспедиция» очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Т.Бобожонов, «Бухоросуқурилик» акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Ҳайдаров ўз фикрларини билдирди. Парламент янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Қ.Жумабеков тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко иштирок этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов конларни санаот йўли билан ўзлаштиришда қўшимча нодир металлларни мумкин қадар тўлиқ қазиб олиш зарурлигини таъкидлади. Нодир металллардан халқимизнинг бугунги ва келгуси авлодлари фаровонлиги учун самарали фойдаланиш мақсадида уларни ишлаб чиқишнинг узок муддатли дастури зарур. Президент, шунингдек, нодир металлларни санаот йўли билан ўзлаштириш учун мамлакатимизда ўз базамизни ташкил этиш, ушбу соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай шартларни яратиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича ахборот берди. Ушбу масала юзасидан Пахтачи тумани ҳокими Э.Умаров, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р.Қаттаева, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ўз фикрини билдирди.

Мазкур масала муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислам Каримов «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини даромадлар устидан қўшимча нозорат ўрнатувчи ҳужжат сифатида баҳоламли зарурлигини алоҳида қайд этди. Барча тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг даромадларини декларация қилиш тартиби мавжуд. Президент бу масаланинг гоят муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, лойиҳани кейинги ўқишда қўриб чиқиш учун қайта ишлаш давомида аҳолининг барча қатламлари фикрини ҳамда халқимизнинг менталитетини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлади.

Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов «Фуқароларнинг муножаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллоев, Мухиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ-бадиий жамоалар дирекцияси директори У.Саиджоновнинг чиқишларидан сўнг Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг муножаатлари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлисининг қўмита ва комиссиялари номидан парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни қабул қилди.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси Котибияти раҳбари Т.Қўзиёвнинг фуқароларнинг сессия давомида келиб тушган муножаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ўртасидаги шахсларни Халқаро жинойи судга топширишга доир битимни, Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисидаги шартномани ратификация қилди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Ишметовнинг тақдимотида кўра депутатлар Ф.Абдуазимовни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судяси этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини якунлади.

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ - ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида «Шартнома интизоми - иқтисодий тараққийнинг муҳим омил» мавзусида амалий анжуман бўлиб ўтди. Мамлакатимиз иқтисодий тараққийини таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлган шартнома интизомига амал қилиш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан биридир. Зеро, шартномавий муносабатлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мулк шакли ва иқтисодиётда тугган ўрнидан қатъи назар, уларнинг эркинлиги ҳамда ҳўқуқий тенглигини таъминлайди. Айтиш жоизки, бу борада мамлакатимизда кейинги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилиб, мукамал шартнома қонунчилиги яратилди. Бугунги кунда барча ҳўжалик юритувчи субъектларда шартномавий муносабатлар тўлиқ йўлга қўйилди. Шу боис пудратчи ёки фермернинг иқтисодий фаолиятига энди четдан ҳеч қандай сабабсиз аралаша олмайди. Улар билан фақат шартнома тузиш йўли билангина муносабатла киришиш мумкин. Бунинг самараси ўларок, оддий меҳнат кишиларининг манфаатдорлиги ошди.

Лекин амалиётда шартнома тузиш, мажбуриятларни ўз вақтида бажариш борасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳўжалик судлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 36

мингдан зиёд низо ҳал этилиб, даъвогарлар фойдасига 356 миллиард сўм ундирилди. Мазкур ишларнинг 22 миңдан ортиги шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармасликдан келиб чиққан низолардир. Кўрииб турибдики, шартнома интизомига амал қилиш бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бу эса ўз навбатида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожига салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Ҳўжалик судлари томонидан шартнома интизомига амал қилмаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига ўз вақтида тегишли чоралар кўрилатири. Тўлов интизомини қўпол равишда бузганлиги учун айбдорлардан 53,7 миллион сўм жарима, қороналарга етказилган 41,3 миллион сўмлик моддий зарарнинг суд қарорлари билан ундирилгани, айрим мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши кўзгатилгани фикримизнинг далилидир. Келгуси йил учун буюртмалар портфели шакллантирилаётган бир пайтда ўтказилган мазкур анжуманда шартномавий муносабатлар борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллариини биргаликда белгилаш ва шу йўл билан шартнома маданиятини юксалтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

(УзА).

Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадий академияси «Маданият қарвон саройи»нинг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов, маданият ишлари вазири Б.Қурбонов, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Қўзиёв, Япониянинг мамлакатимиздаги Факултета ва мухтор элчиси А.Кавато ва бошқарув мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон дўстлик алоқалари янги, янада юқори босқичга кўтарилганини таъкидлади.

«МАДАНИЯТ ҚАРВОН САРОЙИ» ИШГА ТУШДИ

Ортимизнинг Япония билан ўзаро маданий алоқалари илдири узок ўтмишга бориб тақалади. Дўстлик ришталарининг мустаҳкамлашида Буюк Ипақ йўлининг ўзига хос ўрни бор. Шарқ ва Ғарбни боғловчи ушбу қарвон йўли қўллаб-қувватлаш қатори Қўнчиқар йўлининг тарихида муҳим аҳамият касб этади. Унинг чорраҳасида эса айнан бизнинг заминимиз, жумладан, қўҳна Шош, Самарқанд каби шаҳарлар жойлашган. Янги маданият марказининг айнан пойтахтимизда ташкил этилиши ҳам Тошкентнинг нафақат миллиятимиз, балки қўллаб-қувватлаш тарихида тугган ўзига хос мавқега ишорадир.

Мазкур маданият марказининг ташкил этилишида Токио нафис санъат ва мусиқа университети президенти Икуо Хираяманинг улкан хиссаси бор. Ўзбек-япон илмий маркази саналган ушбу таъдиқот марказида тарихий, археоло-

гик, тасвирий санъат ва бошқа қўллаб йўналишларда излашнилар олиб бориш, турли анжуманлар, тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Ҳозирданок жерда мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди - Кампиртепа шаҳаристонидан топилган турли тарихий ашёларни ўрганиш, таъмирлашдек эзгу ишлар бошлаб юборилган.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихига дунёда қизиқиш жуда катта, дейди И.Хираяма. - Бу қадим улканнинг Далварзиптепа, Фаёзтепа, Қоратепе каби шаҳаристонларидан топилган ашёлар ўзининг нодирлиги ва бебаҳолиги билан ниҳоятда қадрлидир. Шу боис улар нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсониятнинг маънавий дурдонаси саналади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, УзА муҳбири.

Буюк ипақ йўлининг энг серқатнов масканида жойлашган Андижон ўзининг қўли гул хўнармандлари билан машхур. Истиклол шарофати билан вилоятда хусусий тармоқни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик ҳаракатини кенг қўлоч ёйдиришга эътибор ошириляпти.

Айни пайтда 63721 та кичик ва ўрта бизнес субъекти рўйхатга олинган бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улардан юзтаси хорижий ишбилармонлар билан яхши ҳамкорлик ўрнатган.

Шаҳар ва туманларда 362 та акционерлик жамияти, 2410 та санаот, 962 та қурилиш-таъмирлаш, 7969 қишлоқ ҳўжалик, 2464 та аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш қороналари ишлаб турибди.

Шуниси қувонарлики, қишлоқ жойларида иқтисодий ислохотлар дадиллик билан амалга ошириляпти. Агроиқтисодиёт тармоқларида 19655 нафар ижарачи самарали меҳнат қилиб, Андижон дехқонининг таҳрибкорлиги ва

қарорлари, амалдаги қонунларимиз талаблари асосида ҳўжалик субъектларининг мониторинги ўтказилиб боришмоқда. Тадбиркорларнинг ҳўқуқларини муҳофаза қилиш ва шартнома интизомини

омилкорлигини мамлакатга намоийш этмоқда. Маҳаллий ҳокимият органларининг доимий ғамхўрлиги ва қўллаб-қувватлаши туфайли тадбиркорлар манфаатини ҳимоялашга қаратилган мустаҳкам ҳўқуқий база яратилди. Ҳўқуқ-тартибот идоралари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига амалий ёрдам кўрсатилиб, бўлар-бўлмагача улар фаолиятига аралашшга чек қўйилди.

Республика Президенти фармонлари, Вазирил Маҳкамаси

қарорлари, амалдаги қонунларимиз талаблари асосида ҳўжалик субъектларининг мониторинги ўтказилиб боришмоқда. Тадбиркорларнинг ҳўқуқларини муҳофаза қилиш ва шартнома интизомини

мустаҳкамлаш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойларидан 900 дан зиёд ҳўжалик субъектлари фаолияти ўрганилиб, шартномавий мажбуриятларни тўлиқ бажармаганлар иши юзасидан судларга 612 та даъво аризаси киритилди. Бунинг натижасида ўрта ва кичик бизнес субъектлари фойдасига 107 миллион сўм маблағ ундириб берилди.

Вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасига мурожаат қилган тад-

биркорлар аризаларидан 40 таси бўйича ҳужжатлар судларга юборилди. Учта ҳолат юзасидан раҳбарларга маъмурий жавобгарлик қўлланилди.

Шунга қарамадан, ҳали-ҳануз

вилоятнинг айрим ҳудудларида тадбиркорлар ишларига ноқонуний аралашуш ҳоллари ҳам учраб турибди. Хусусан, Асака тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Қўжгон» қишлоғида жойлашган хусусий «Егду» ёқилғи-мойлаш материаллари тарқатиш пунктини уч кун мобайнида текшириб, оператор А.Раҳимовни 20580 сўм жаримага тортишган. Ҳолбуки, текширишларни мувофиқлаштириш вилоят кенгаши томонидан бир кунга рухсат этилган. Жиноят иш-

Замонавий мулкдорлар синфи

лари бўйича Асака туман суди масалани чуқур ўрганиб, тадбиркорга қўлланилган маъмурий жа-

зони бекор қилди. Шунингдек, Қўрғонтепа тумани ҳокимлиги назорат инспекцияси ходимлари томонидан машина-трактор парки ҳиссадорлик жамиятида ноқонуний текшириш ўтказилган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Қишлоқ ҳўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ҳўқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилляпти. Вилоят ҳўжалик суди томонидан 2001 йилда дехқон-фермер ва ширкат ҳўжаликлари,

агросаноат мажмуғи кирувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларининг манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган 117 иш қўрилиб, 101 таси қаноатлантирилди.

2002 йилнинг ўтган даврида қишлоқ тадбиркорлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 26 ҳўжалик иши қўрилиб, улар фойдасига 10 миллион 92 миң 700 сўм ундириб берилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳўқуқий манфаатларини ҳимоялаш — давр талаби. Вилоят ҳўқуқ-тартибот идоралари мамлакатимиз қонунлари талабларидан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва барча тадбиркорлик тизимлари манфаатларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилляпти.

И. ИСОМУДИНОВ.

ТАДБИРКОР МАНФААТИНИ КўЗЛАБ

Қарор ва ижро

ЖАМОАДА МУҲИТ

соғлом бўлиши қайси омилларга боғлиқ

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонуниятлари бор. Бунга кўникма ҳосил қилинмоқда. Шу ўринда иш берувчи билан ёлланма ишчи ўртасидаги муносабат ҳақида икки оғиз сўз. Айрим корхоналар баъзи сабабларга кўра ишчи-хизматчиларга ойлик маошларини ўз вақтида тўлай олмаётти. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Корхона, муассаса, ташкилот, хўжалик раҳбарларининг бу муҳим ишга муносабатларини тубдан яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Мазкур ҳужжатда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларида қатъий назар корхоналар ва ташкилотлар ходимларига маош ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу қарорда қасаба уюшма органларининг вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа шартномаларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриши, маош ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлигини оширишга эътибор қаратилган.

Мазкур йўналишда Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши шаҳар ҳамда туман ҳокимиятлари, хўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда самарали ишларни амалга оширмоқда. Иш ҳақидан қарздорлик асосан Автотранспорт ва йўл хўжалиги, Металлургия ва машинасозлик саноати, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик, Ёқилги-энергетика саноати тармоқларида учраб турибди.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши ҳамда шаҳар қасаба уюшмалари тармоқ кўмиталари мазкур йўналишдаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўришяпти. Мазкур масала юзасидан шаҳардаги туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилинмоқда. Шу жумладан, Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари қасаба уюшма шаҳар кўмитаси «Лифтсервис» масъулияти чекланган корхонада вужудга

келган маошдан қарздорликни бартараф этиш учун Миробод туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. Лекин иш судга етиб бормаёқ, корхона маъмурияти тўғрисида хулоса чиқариб олди, муаммо қисқа муддатда бартараф этилди.

Биз иш ҳақидан қарздорлик масаласи фуқаролик судига етиб бормаслиги учун ҳаракат қилмоқдамиз, - дейди Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Ю.Осепков. - Бунинг учун ҳар бир корхонада ёлланма ишчи билан иш берувчи ўртасида вужудга келган меҳнат низооларини кўриб чиқадиган комиссия фаолият кўрсатмоқда. Мабодо қарздорлик икки ойдан ошиб кетса, бошланғич қасаба уюшма кўмитаси бу ҳақда корхона маъмуриятини хабардор қилади. Шунда ҳам бирор бир ижобий ечимга келинмаса, туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси топширилади.

Айни пайтда шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши мутасадди ходимларининг саъй-ҳаракати мазкур муаммони бартараф этишга қаратилган. Ҳозирда иш ҳақидан қарздорлик пойтахтимиздаги 65 та корхонада мавжуд бўлиб, уни бартараф этиш учун барча чоралар кўрилувчи бўлиб, натижа эса чакимас. Вазирлар Маҳкамасининг юқорида таъкидлаган қароридан сўнг қасаба уюшмалари фаолиятида жонланиш, изчиллик янада сезилди. Лекин туманлараро фуқаролик судларига юборилган айрим даъво аризалари ўзининг ижобий ечимини топишида айрим муаммоларга дуч келинмоқда. Масалан, «1-уй-жой қурилиши комбинати» акционерлик жамиятини олиб кўралик. Даъво аризаси билан Миробод туманлараро фуқаролик судига мурожаат этилган. Лекин жамоанинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаб, судга мурожаат этиш тартиби ишлаб чиқилмаган экан. Шунда шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши шаҳар суди билан ҳамкорликда услубий қўлланма ишлаб чиқди. Демак ҳамма гап фаолларга таянган ҳолда омилкорлик ва қатъиятлик кўрсатиб ишлашда қолган.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.

Мисит кишлоқ фуқаролар йиғини Пахтачи туманидаги қатта ҳудудлардан бири. Унинг таркибиде А.Аллийёров номи, К.Ражабов номи хўжаликларга қарашли кишлоқларнинг 6 та маҳалласи бор. Бу ерда ишовчиларнинг ўзига яраша қувонч ташвишлари, муоммолари мавжуд. Айни мана шу ўринда маҳалланинг роли, аҳамияти сезилади.

Фуқаролик жамияти деганда ўз-ўзини бошқариши тушуниш керак. Бу эса, шубҳасизки, маҳалладан бошланади. Маҳалланинг ҳар бир фаолиятига давлат сиёсатининг бирор қирраси намоён бўлади. Бошқача айтганда, маҳалла йиғини ҳокимиятнинг энг қуйи бўғини, давлат сиёсатини оммага тушунтирадиган, одамларни давлат манфаати йўлидаги ҳаракатларга бирлаштирадиган ташкилотдир. Йиғинимизга бирлашган маҳаллаларнинг оқсоқоллари, фаоллари ўз вазифаларни уқуқдорликда, деб ўйлаймиз.

Элни аниқ мақсад биллаштирилади, ҳар қатта ундайди, фаоллаштирилади. Шунинг

ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ОДАМ

ушун энг аввало фуқароларимизни ҳашарга - кишлоқларни ободонлаштиришга чорлади. Тез орада кўчалар саранжом-сарисига бўлди. Керак жойларга асфальт, тош ётқизилди. Дарахтларга шакл берилиб, ариқлар тозаланди, сув оқизиб кўйилди. Бу ўзгариш одамларнинг кайфиятини кўтарди. Кишлоқ заиёларининг тақлифи билан гавжум жойларга содда, тушунарли, айни пайтда юртпарварлик гоёлари билан йўғрилган широрлар ёзиб кўйдик. Бу хикматлар одамлардаги эл-юртга садоқат, фидойилик фазилатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқ-

дан тушунишмоқда. Салбий ҳолатларга фуқароларнинг ўзлари қарши туришмоқда. Эндиликда «Тинчлик-энг олий неъмат», «Маҳалланг тинч-сен тинч» каби широрлар фуқароларимизнинг қалб даъватига айланган. Ҳар бир маҳаллада милиция таянч пунктлари мавжуд. Ҳар бир участка нозирига икки нафардан халқ посбонлари кўмаклашадилар. Уларнинг атрафига эса кўпчилик биллашган, навбатчилик ташкил қилинган. Ёмон ниятликнинг беаҳалда кишлоқ оралиб олмайди. Шу тўғрисида ҳудудда жиноятчиликнинг олди олинмоқда. Маҳалладаги тинчлик

Маҳалланг — отанг, онанг!

оилалардаги оёйишатиликка ҳам боғлиқ. Афсуски, айрим рўзгорларда можаролар рўй

ши билан банд одам майда-чуйда гаплардан йироқ бўлади. Фаолларимиз хонадонларда бўлишиб одамларнинг турмушидан, болаларнинг ўқишидан, юриш-туришидан хабар олишади. Шу асосда маслаҳатлашиб, муҳтожларга ёрдам бериш чораларини кўраимиз. Маҳалла манфаати учун ҳашарлар уюштирамиз. Элнинг аҳиллиги, халққа суяниб ишлаш самара бераёпти. Шарқда азалдан маҳалла жамиятининг негизи, таянчи бўлган. Зеро, 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш билан бирга унга катта маъсулият юклайди.

У.ҲАМРОЕВ, Пахтачи туманидаги Мисит кишлоқ фуқаролар йиғини раиси.



Хоразм вилоятидаги «Боготекс» акциядорлик жамияти асосан ип-калага ва газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада 1081 нафар ишчи-хизматчи бўлиб, 710 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улар учун корхонада барча қулайликлар яратилган. Жумладан, ишчи-хизматчилар бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқда.

Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар. И.ХАСАНОВ олган суратлар.

ЎН БИР ОЙДА 78 КОРХОНА

Бекобод шаҳрида йил бошидан буён 78 та кичик ва ўрта корхона ташкил этилди. Беш юз нафар киши эса яқна тартибдаги хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлади. Натижада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг улуши янада ортди. 700 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Бекободлик тадбиркорларнинг фаолият майдони кенг. Бу ерда чиқиндиларни тозалаш масаласи ҳам хусусий тадбиркорлар зиммасида. Шу иш билан шуғулланаётган «Хайрли мақсад» хусусий корхонаси ишдан жамоатчилик мамнун. «Сайхунвагонга» кичик корхонаси автокорхоналарга газ ёнигилиси, «Хамиджон» хусусий корхонаси эса иссиқхоналар ҳамда уй-жойлар деразаларини қоплаш учун полиэтилен плёнка етказиб бermoқда. Янги ташкил этилган «Бекободгўштир» фирмаси маҳсулотини шаҳар бозорлари ва дўконларида харидорлиқ.

Эндиликда кичик ва ўрта корхоналарни шахарнинг гавжум жойларида эмас, чекка қўрғонларда ҳам ташкил этишга катта аҳамият берилмоқда. Шаҳар ҳокимиятининг ташаббуси билан мавжуд ўттизта маҳалланинг ҳар бирида хусусий кичик корхоналар очилиш тадбирлари ишлаб чиқилди. «Андржон» маҳалласи фаоллари бу хайрли ишни биринчи бўлиб бошлаб берди. Бу маҳаллада тикунчиликка ихтисослашган корхона иш бошлади. Натижада маҳалладаги 120 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Хуллас, шаҳарда кичик корхона очмоқчи ёки яқна тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар учун зарур шароит етарли. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятини бошлаши учун зарур ҳужжатларни тайёрлаб бериш амалдаги 12 кун ўрнига саккиз-ўн кунга, жисмоний шахсларники эса уч-тўрт кунга ҳам бормайпти.

Бирок янги ташкил этилаётган корхоналарнинг оёққа туриб, барқарор ишлаб бериши масаласи ҳам ўта муҳим, - дейди тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш шаҳар бўлими бошлиғи Абдуқоҳор Душаев. - Эндигина иш бошлаган тадбиркорларнинг баъзилари хонашадан, яна кимдир айланма маблағ тақчиллигидан қўйналаётгани ҳам сир эмас.

Шаҳар ҳокимлиги қришдаги кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи комиссия ёрдамида бу борадаги муаммоларни ҳал этиш тадбирлари қўрилмоқда. Жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи «Кибр сервис» хусусий корхонасига банкдан 3 миллион сўм, асосий идишлар тайёрлаётган «Далер» корхонасига ҳам шунча, сутни қайта ишловчи «Мирҳикмат» кичик корхонасига ўн миллион сўм кредит берилди.

Умуман, шаҳарда йил давомида кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун банклар томонидан ажратилган кредит миқдори 400 миллион сўмдан ошди. Натижада иши юришмай, ёпилиб кетиш даражасига тушиб қолган ўнлаб корхоналар яна қаддини ростлаб, ишлаб бoшлади.

ИШДАН АЖРАЛМАГАН ҚОЛДА САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Бозор иқтисодиёти ҳар бир меҳнат жамоаси учун ўзига хос имтиҳон бўлмоқда. Давр талабини яқши англаб етган жамоаларда муваффақиятга эришилмоқда. Наманган шаҳридаги «Сувтранс» очик акциядорлик жамияти ҳам шулар жумласига кириди. Бу ерда маъмурият ва қасаба уюшма кўмитасининг бу борадаги ҳамкорлиги яқши натижалар келтирмоқда. Корхонада эришилган ютуқлар боисини сурштирсангиз, бунга биринчи навбатда ишчи-хизматчиларга яратиб берилган шароит муҳим аҳамият касб этаётганлигини айтишади.

— Автокорхона вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси қошида фаолият кўрсатади ва деярлик барча туманларда бўлиналари миз бор, — дейди қасаба уюшма кўмитасининг раиси Фозилжон Абдурахимов. — Корхонамизда режа ортидан қувилмасдан ишлаб чиқаришни

Қасаба уюшмалари бозор шароитида

тараққий эттиришнинг бош йўли — жамоа аъзолари ҳақида қайғуриш зарурлиги масаласига аҳамият қаратилади. Бу нарсамурият ва қасаба уюшма кўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасида ўз ифодасини тошган. Футбол майдончасида ҳар ойда икки мартадан марказ ва бўлиналар ўртасида муообақалар ўтказиб бoрилади. Фолибар автокорхона маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитасининг муқофотлари билан тақдирлаб бoрилади.

Жамоа шартномасига кўз ташласангиз, бошдан-оёқ меҳнат кишисига меҳрибонлик ҳисси сингдирилганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Унда жумладан ишчи-хизматчи соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, бeтoб бўлиб қолганида ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. Корхона раҳбари Мухаммаджон Тожиевнинг таъкидлашича, олинаётган фойданинг катта қисми шу мақсадлар учун ажратилади. Чунончи, корхона қошидаги ошхона қурилиши-ю жиҳозланиши жиҳатидан унча-мунча ресторандан қолишмайди.

Қачон қараманг, залда озодалик, саранжом-сарошталик ҳукмрон. Корхона қошидаги ёрдамчи хўжаликда чорва моллари боқилади ва вақти-вақти билан улар гўшти ошхонадан ташқари ишчи-хизматчиларга, биринчи галда кам таъминланган оилаларга, пенсионерларга тарқатилади.

Шу нарса ҳам диққатга سازоворки, автокорхона ҳудудининг бўш жойи борки мевали дарахтлар билан қопланган. Бу биринчидан чиройли кўриниш берса, иккинчидан, мевасидан турли қиём ва салқин ичимликлар тайёрланади, тушлик пайтида ишчи-хизматчиларга берилмоқда. Жамоада соғлиги тўғрисида мулоажа олишга муҳтож кишиларга шифокор томонидан тавсия этилган сихатҳоғларга йўлланмалар олишга кўмаклашилди. Масалан, шу йилнинг ўзида 30 нафардан ортик киши ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлди. Ташкилот қошида 10 ўринли соғломлаштириш маркази ишлаб турибди. Унда ходимлар ишдан ажралмаган ҳолда саломатликларини мустаҳкамламоқдалар. Шунингдек, кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси қошидаги саломатлик маскани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ўғил уйлантирадиган, қиз чиқарадиганларга, иморат қураётганларга ҳам кўмак кўрсатилади. Шу йилнинг ўзида 11 нафар кишининг тўй ва маросимларини ўтказишга ёрдам берилди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ИЧИМЛИК СУВ ЯХШИЛанаДИ

Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги ишлар кўлами тобора ортиб бoрмоқда. Жумладан, ЮСАИД - Америка халқаро тараққиёт агентлиги аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашга қаратилган махсус лойиҳа асосида иш бошлади. 2004 йилнинг апрел ойигача тўлиқ бажарилгани кўзда тутилаётган мазкур лойиҳа 330 минг кишини тоза ичимлик сув билан таъминлашга хизмат қилади.

Лойиҳага биноан Чимбой, Қораўзақ ва Тахтақўпир туманларида 10 та сув тозалагич иншоотлари қурилади. Овуларда яшаётган салкам олти минг киши истеъмол қилаётган сув сифати яхшиланади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида Нукус шаҳри ва бир неча туманлардаги аҳолини яхшилаш кўзда тутилган. Мавжуд насос станциялари компьютерлаштирилиб, автомат бошқарув тизими жорий қилинади.

Ушбу ишларни амалга оширувчи ЮСАИД агентлигининг сув ва энергия жамғармаси бўйича директори К.Андерсон раҳбарлигидаги бир гуруҳ вакиллар минтақада бўлиб, вазият билан танишди.



Корхона ховлиси сув қуйгандек жим-жит. Унда-бунда носоз, яроксиз техникалар кўзга ташланади. Устахоналардан биз кўникаиб қолган меҳнат шовкинни эшитилмайди. Бошқа ҳолатлар тасви-фига тўхталмаймиз. Биз кўрган манзарани тасав-вур қилиб олдингиз, деб ўйлаймиз. Таъбир жоиз бўлса, бу иқтисодий инкирознинг нишонасидир. Холбуки, МТП деб номланган корхоналар туманлар иқтисодиётининг таянчи ҳисобланади.

Биз юқоридаги манзарани Оқдарё туман МТП давлат-акциядорлик жамияти корхонасиде кўрдик. Вазиятни шунчаки баҳолаб бўлмайди. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари ўзаро бевосита ёки билвосита боғлиқ. Лекин, тан олиш керак туманда қишлоқ хўжалиги жуда қийинчилик билан ўнғланаёпти. Бу ҳол қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишга даъват этилган МТП аҳолига таъсир қилмоқда. Масаланинг бошқа томони ҳам бор, албатта.

Комбайни, Россияда ишлаб чиқарилган 6 та галла ўрадиган комбайн, 2 та қоғиқ трактори мавжуд. Аммо бу билан деҳқонларнинг, айниқса, фермерларнинг эҳтиёжини қондириб бўлмаяпти. Техника-деҳқоннинг таянчи, иш қуроли. Бинобарин, унингсиз бирор ишининг уaldasидан чиқиб қийин. Худди шундай бўлаяпти ҳам. Техника етишмаслиги, носозлиги тўғрисидаги агрортехник тадбирлар талаб даражасида баҳарилмади. Оқибатда бу ҳол ҳосил сифати ва миқдорига таъсир қилмоқда. Ортиқча, кўзда тутилмаган ҳаражатларни келтириб чиқараёпти. МТП корхона-

МТП: ИНҚИРОЗДАН ЧИҚСА БЎЛАДИМИ?

си шартномани бажара олмаганлиги боис мўлжалланган даромадга ҳам эга бўла олмаёпти. Масалан, Оқдарё туман МТП ДАЖ корхонаси 2002 йилда ўз техникалари билан фермерларнинг 230 гектар ерини шудгорлаб, 105 гектар ерини чизеллаб, 115 гектар ерини молалаб, 145 гектар ерини бороналаб берган, 322 гектардаги галлани ўрган. Холбуки, тузилган шартномаларга мувофиқ мазкур МТП фермерларнинг қарийб 2 минг гектар ерини шудгорлаши, 1000 гектардан зиёдрoқ майдондаги галласини ўриб-яңчиб бериши керак эди. Бунинг натижасида 60 миллион сўм атрафиде даромад олиш кутилган эди. Афсуски, истак ва

имконият мос келмади. Техникавий имкониятнинг чекланганлиги иш ҳажми қамайишига, молиявий танқисликка олиб келмоқда. Бунинг оқибатида эса корхона инкирозга юз тутмоқда. Корхона раҳбари А.Тўраев хизмат сафарига жўнаб кетгани боис баъзи масалаларни юзма-юз муҳокама қила олмади. Дарвоқе, сафар олдида мутасадди бизнинг нима мақсадда корхонага келиганимизга қизиқмади ҳам.

Бозор муносабатлари изланишини, янгича ёндашувларни тақозо этади. Корхона иқтисодий жиҳатдан ўнғлаш учун барча воситалар ва усуллар яхшидир. Лекин бу ерда осмондан чалпақ ёғишини

кутаётганга ўхшайдилар. Локал фермер хўжаликлари билан Оқдарё туман МТП ДАЖ корхонаси ўртасида тузилган шартнома-ни таҳлил қилайлик-а. Шартномада 20дан зиёд турдаги техникавий хизмат кўрсатиш мўлжалланган. Лекин МТП деҳқонларга асосан шудгор ва галла ўримидеги кўмакдош бўлаяпти. Шартнома-нинг 2.1-бандида МТП-нинг мажбурияти «Буюртмачи томонидан берилган барча қишлоқ хўжалиги ишларини белгиланган агротехника мўддатларида ўз қучи ва маблағи ҳисобига бажаради» - деб ифодаланган. Қўйроқда эса, яъни 3.4-бандида «Мавсум давомида ёқилги-мойлаш материаллари билан таъминлашда

зутилишлар бўлиб қолса, кейинчилик ҳисоб-китоб қилиш йўли билан «буюртмачи» ўз ҳисобидан таъминлаши мумкин» - дейилган. Бунинг мажбуриятни ўз зиммасидан соқит қилиш деб тушуниш керакми? Мавсўлийатсиз шерик билан ким ҳам ишларди дейсиз. Яна бир масала. Дебитор қарзларнинг доимий мавжудлиги МТП фаолиятини ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда. Ҳозир Оқдарё туман МТПнинг 11 миллион 240 минг сўм дебиторлик қарзи бор. Бу маблағ ҳисобига анча-мунча ишларни бажарса бўларди. Бу қарз халигача ундириб олингани йўқ. Қанча-қанча ходимлар шу масалани ҳал қилиш учун сарсон. Шу вақтда бошқа

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Саволларингизга ТДЮИнинг хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОВА жавоб беради

САВОЛ: Ёшим 46 да, 1979 йилдан — 1990 йилгача врач-эпидемиолог; 1990-1993 йилларда — СЭСнинг «СПИД» лабораториясида врач-лаборант; 1994-2002 йилларда эса СЭСнинг Радио-иммуно лабораториясида врач-лаборант (лаборатория мудири) бўлиб ишлаб келдим. Имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгамми?

Майрам ЮНУСОВА, Олтинкўл тумани.
ЖАВОБ: амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида белгиланган имтиёзли, яъни умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12-майда қабул қилинган 250-сон қарори билан 2-сон рўйхати тасдиқланган. Ушбу рўйхатнинг I қисми XXII бўлимида меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ҳисобланган радиоактив моддалар ва бошқа турдаги нурланишлар билан боғлиқ ишлар рўйхати келтирилган. Ушбу рўйхатга мувофиқ санитар-эпидемиологик станцияларининг радиация хавфсизлиги хизматида ишлаган иш жойи 226 радийнинг 10 милликюридан ошқоққоқ ҳаракатдаги радиоактив моддалар билан ёки шунга эквивалент бўлган радиотаксил мод-

далари билан доимо ишлаган ишчилар, раҳбарлар ва мутахассислар имтиёзли (эркаклар - 50 ёшдан, аёллар - 45 ёшдан) пенсия олиш ҳуқуқига эга. Бундай ишларда ишлаганлиги махсус маълумотнома билан тасдиқланган маълумотнома яъни «Имтиёзли пенсия таъ-

ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ОЛАМАНМИ?

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



миноти ҳуқуқини аниқлаштирувчи маълумотнома» Ушбу маълумотноманинг намунаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11-майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-илavasида келтирилган. Бундай маълумотнома ходимларнинг иш жойидан тақдим этилади. «СПИД» лабораториясида ишлар ва лавозимлар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлар,

касблар, ишлаб чиқаришлар ва кўрсаткичлар рўйхатида назарда тутилмаган. Соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасада ишлаган ходим сифатида Сиз юқорида айтиб ўтган қонуннинг 12-моддасига мувофиқ агар махсус иш стажингиз қишлоқ жойда ка-

- ноти тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, пенсия миқдори меҳнат стажига ва иш ҳақига боғлиқ бўлиб, уч таркибий қисмдан иборат. Булар:

1. Пенсия таянч миқдори;
 2. Иш стажига учун пенсиянинг оширилиши;
 3. Пенсияга қўшилган устамалар.
- Ёшга доир пенсия учун, пенсияларнинг таянч миқдори - ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизни ташкил этади. Қонуннинг 7-моддасида белгиланган иш стажига ортикча ҳар бир йили учун пенсиянинг таянч миқдори бир фоизга оширилади. Сизнинг хатингизда келтирилган даволар: 2002-1959=43 йил умумий меҳнат стажининг 25 йилдан таянч миқдори ҳисобланса, қолган (ортикча) 18 йил учун пенсиянинг таянч миқдори 18 фоизга оширилади: (55% + 18%) = 73% Пенсия миқдорини ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи бир ойдан эмас, балки бутун меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет келган беш йил давомида олган ойлик иш ҳақидан ҳисобланади. (Қонуннинг 31-моддаси) Беш йил дегани-олтмиш календарь ой дегани. Шунинг учун ўртача ойлик иш ҳақи олтиш календарь ой давомида олган ойликлар ўзаро қўшилиб, сўнг олтишга бўлиниши йўли билан аниқланади. Шу боисдан ҳам сиз айтаётган 10 000 сўм ўртача ойлик иш ҳақи сифатида ҳисобланиши мумкин эмас.

Пенсияга устамалар тўғрисида гапирсак, улар қонуннинг 28 моддасида келтирилган бўлиб, ногиронлар, уруш қатнашчилари ва Ўзбекистон республикасида алоҳида хизмат кўрсатганлар учун белгиланган. «Меҳнат Ветерани» деган унвон эса бундай ойлик иш ҳақининг 73% ни ташкил қилади. хизматлар доирасига кирмайди. Демак, сизнинг пенсиянгиз миқдори кетма-кет келган беш йиллик меҳнат ҳақидан ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақининг 73 фоизини ташкил қилади.

САВОЛ: Ёшим 60 да. Меҳнат фахрийсиман. 1959 йилдан бошлаб ҳозиргача ишляяман. Иш ҳақим 10 000 сўм. Менга пенсия қанча миқдорда тайинланади?

Эгамберган БЕКБЕРГАНОВ, Урганч шаҳри.
ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъми-


Урмимиз мисоли қарвон, сокин кўнғирок чалиб ўтиб кетаверади. Орта қолган излар, сўзлар, қалб оҳанглари авлодлар йўлларини ёритади. Аслида бизнинг ўзимизга, ишларимизга ҳақиқий баҳони вақт белгилайди. Келажак авлодлар ёнида яшаш бахти эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун қисқа фурсат бўлган урмимизни савобли ишларга бахшида этмоғимиз зарур. Ортимизда тикану, ўнқир-чўнқир йўл эмас, балки мазмунли умр китоби қолмоғи керак. У эртага фарзандларимизга биз ҳақимизда ҳикоя қилади.

Хотира уйғонса гўзалдир

рияси асослари», «Тил ва таржима», «Бадий таржима ва адабий таҳлил муаммолари», «Таржима асослари», «Таржима ташвишлари» каби ўнлаб монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари шундаки, устоз бутун онгли ҳаётини университетда ўтказди. Қарангки, у кишининг фаний дунёдаги умрларига ҳам сўнги нуқта университетда қўйилди. Устоз машаққатли ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ундан бизга дунё эмас, камтарлик, фидойилик мерос бўлиб қолди.

ОЛИМ ОРТИДАН ОЛАМ ҚОЛДИ

Ҳеч кимникига ўхшамаган тақдир эгаси, алломаи замон, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Файбуллоҳ ас-Салом ўзидан эзгу амаллар қолдирди. У бутун ҳаётини зиё тарқатишга, таржимашуносликдек оғир, машаққатли соҳа бешигини тебратишга бахш этди. Илм - мисоли куёш бўлса, у парвонага айланди. Фан бир денгиз бўлса, унинг уйғок тўлкини бўлиб кўк билан юзлашди. Ўзбекистон Миллий университети қошида таржима назарияси кафедрасига асос солди. У бутун ҳаётини маърифат даргоҳи бўлган зиё масканларида ўтказди. Файбуллоҳ ас-Салом таржимашунослик мактабидан баҳраманд бўлганлар, унинг илм ва ҳаёт ҳақидаги фалсафасини тинглаганлар, фаннинг ушбу йўналиши бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган шогирдлару, умуман уни билган ва кўрганлар ҳамон, одамийлик даргаси Файбуллоҳ ас-Саломни кўрсайдилар. Унинг нуроний чехрасини соғинадилар.



«Олим кетди - олам кетди» дейилган бир араб мақолида. Аслида шундайми? Йўқ. Шоир айтганидек: «Сўнғач, яна чакнайди чакмоқ, фаза борки, ёғду ҳамнафас». Олим ортидан олам қолди. Солиҳ, содиқ шогирдлар устоз амалга оширилмаган эзгу ишлар бошида камарбаста.

Устозга ҳақида уйлаганимда, шох ва шоир бобомиз Захриддин Муҳаммад Бобурнинг мана бу байтлари ёдимга келади: **Бедард ҳабиб билмади дардимни, Туфроқча кўрмади руҳи зардимни, Мендин неча кўнғилда губори бўлғай, Кетдим мунга, эмди топмағай гардимни.** Устозга керак бўлганда суяниқ, юпанч бўлмадиқ. Унинг ўзгаларга оғирлиги тушмади. Ҳолдан тойганда суянас захматқаш қаламига, ҳассасига суянди. Юпанччи сўз айтишдан, қоғоз қоралаб, китоб битишдан топди. Кўз ўнғимизда юрган, тахририйат эшигидан сокин кириб келувчи фаришта сифат, оппоқ соқолли, нуроний, донишманд Файбуллоҳ ас-Салом бугун орамизда жисман йўқ. Лекин устоз битган асарлар, эккан ниҳоллар биз билан ҳамон бирга. «Солланиб оқайтган дарё» бугун кўнғимизда, юрагимизда, қалбимизда сокин оқмоқда. Умр деганлари бешафқат, бугун бор одам, эртага йўқ. Шунинг учун ахшиларни авайлаб-асрайлик. Устоз таъбири билан айтганда, урмимиз азиз, «эзгуликка чоғлан одамзод».

Хайратланарлиси **Фаррух ҲАМРОЕВ.**

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлароқ тушуниб етишлари бозор шароитида асқотиши турган гап. Бинобарин, бу борада қасаба уюшмалари ҳуқуқий ташкилотлар ҳамкорлигида тадбирлар олиб бора-япти.


ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Наманган вилоят енгил, меҳнат ва коммунал хизмат ходимлари қасаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан «Нотўқима» ҳиссадорлик жамиятида «Ҳуқуқингизни биласизми?» деб номланган мавзуда очик мулоқот ўтказилди. Унда Меҳнат қончилиги ва Ўзбекистон Конституцияси бандлари бўйича мутахассислар томонидан қатар мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, бандлик мавзусида ҳам фикрлар алмашилди. Ишчи-хизматчилар томонидан тушган кўпдан-кўп саволларга мутахассислар батафсил жавоб қайтардилар.

ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Яқинда Наманган вилоятида янги касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. Замонавий жиҳозланган ушбу иншоотга 600 миллион сўм маблағ сарфланиб, уни «Агрисаноатқурилиш» акционерлик жамияти қурувчилари бунёд этишди. Мазкур билим даргоҳи 600 ўринга мўлжалланган бўлиб, талабалар контрактация ва мулкни ҳимоя қилувчи адвокат, суд ижрочиси, хўжалик ишларини юритувчи ҳуқуқшунос, кадрлар ишлари бўйича назоратчи каби тўрт йўналишда таҳсил олади.

Айни пайтда коллеж барча зарур ўқув воситалари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, техник воситалар билан таъминланди. **Ж.ОБИДОВ.**



Навоий иссиқлик электр станцияси асосан Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги қорхоналарга хиз-

мат қилмоқда. Шунингдек, аҳолини иссиқлик энергияси билан ҳам таъминламоқда. **Суратларда: электр блок ички кўрини-**

ши; бош муҳандис муовини Бахриддин Бойбўтаев ишчилар билан суҳбатда. С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Хайитбой Омоновнинг орзулари кўп эди. Улғайиб келаётган ширин-шакар фарзандлари камолини кўриш, тўйлар қилиб, уларга ўз кўли билан уйлар қуриб бериш... Аммо бу орзулар ушаламади, ўзи билан мангуга кетди. Шундай бўлишини олдиндан билганида эди... Маҳалладоши Жалол Матмуродовнинг тўйига борди, елиб-юғуриб хизмат қилди, сўнг...

Тўй қизигандан-қизир, базму жамшид авжига чиқарди. Бир бурчақда ўтирган Шарипбой сархуш бўлса-да, негадир яна ичкиси келди. Хайитбойни кўриб чехраси ёришди. — Биз қайси меҳмондан каммиз. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шунга айтса керак-да. Уларга хизматни қуюқ қиласан-у, бизга қолганда... — Вақт алламаҳал бўлди, кайфинг ҳам баланд. Уйингга бориб дам олсанг

бўларди, инсофга қақирди Хайитбой. Лекин маст одам бир зумда шерга айланган. Сен мени бировнинг тўйида ҳайдапсан, деган баҳонада у Х.Омоновни юз-кўзи аралаш дўппослай кетди. Жалолнинг яхши ниятда

элга дастурхон ёзиб, йиллар давомида толгани кимларнингдир айби билан кўнғилсизлик билан тугади. Тўйнинг мазмунли, ихчам ўтишини таъминловчи маъсул кишиларнинг эътиборсизлиги сабабли тўй азага айланган. Бази жамшиддан қайтиб ҳовлисида айланадиган Шарипбой тўйхонадаги мусика овози-ю уйин-қулгиларни эшитиб яна жунбушга минди. Нега мен маҳалладаги ана шу хушқабатликдан бебах-

раман, бунга ўша занғар Хайитбой айбдор, дея ич-этини тирнади. Шу пайт ҳаёлига келган фикрдан юзи ёришди. Тўй менсиз ўтмаслиги керак. Шо-ввоз ўзига-ўзи далда бериб, тўғри ошхона сари йўл олди. Ошпичоқни ёнига жойлаб, Жа-

зўридан кутуриб, Хайитбойни қидира кетди. Уни топгач, ёқасига ёпишиб судраганча ташқарига чиқарди. — Орани очик қилиб олмасак, уйқум келмаяпти, — дея у шеригига ташланди. Ёнидаги личкоки чиқариб унинг дуч келган жойига санча бошлади...

мизнинг тўй маросими ва маъракаларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони ёдга тушади. Тўғри, Фармон ижросини таъминлашга Хоразм вилоятида алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла кўмиталари-

ю, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва кенг жамоатчилик хайрли ишга бош қўшаётир. Бироқ баъзи бир ношукр, сохта обрўга берилган кимсаларнинг уйламай қилаётган ишлари, тўйларни дабдабага айлантираётгани, ўзини кўрсатиб захри котилни дастурхонга тўкиб ташлаши қимматга тушмоқда. Юқоридаги хунук воқеа бунинг ёркин исботидир. Гурлан туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги раҳбари мутахассислари, маҳалла оқсоқоллари ҳам энди

Қабоҳат

минг афсус дея, ўзларини ноқулай аҳволда сезмоқдалар. Аччиқ сабоқ кимларнингдир кўзини очди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, маҳаллаларнинг фаоллари ҳамкорликда тўйларни ихчам, камчиқим, бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишга эътиборни қучайтирдилар. Жойларда кишилар ўртасида суҳбатлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Мақсад битта: ҳаётимиз тинч, осуда ўтсин, тўйларимизга ҳамма ҳавас қилсин, одамлар чехрасидан кулгу-табассум аримасин. **К.РАҲИМОВ, Гурлан тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси. А.ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» муҳбири.**

Тўйидаги қотиллик

РОНАЛДО - ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Дунёдаги ийрик спорт нашрлари йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш учун сўров ўтказиши анъанага айланган. Буюк Британиянинг «Уорлд Соккер» журналі ўқувчилари орасида ўтказилган сўров натижасига кўра, Бразилия терма жамоаси ва Мадриднинг «Реал» клуби ҳужумчиси Роналдо жаҳоннинг энг яхши футболчиси, деб топилди.

Сўровда қатнашганларнинг 26,17 фоизи Роналдо учун овоз берди. Иккинчи ўринни эгаллаган Михаэл Баллак (Германия) ундан деярли 10 фоиз орта қолди. «Бавария» ярим ҳимоячисини журнал ўқувчиларининг 17,69 фоизи ёқлади. Дунёнинг учинчи рақамли футболчиси, деган шарафли ном эса Роналдонинг жамоадoshi Роберто Карлосга насиб этди. У 8,48 фоиз овоз тўплади.

Мазкур сўровни ўтказиш пайтида «энг яхши мураббий ким», деган савол ҳам ўртага ташланган эди. 2002 йилги жаҳон чемпионатида Жанубий Корея терма жамоасини ярим финалгача олиб чиққан Гус Хиддинк ана шу унвонга лойиқ, деб топилди. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти голландиялик мутахассис учун овоз берди.

Йилнинг энг яхши жамоаси унвони, кутилгандек, Бразилия терма жамоасига тегиши. Латин Америкаси вакиллари нималарга қодир эканлигини сўнгги жаҳон биринчилигида яна бир қарра исботлагани ҳали ёдимизда.

Хар йили декабр ойида Швецияда машхур олим Алфред Нобел васиятига биноан жорий қилинган мукофотни соҳибларига топириш маросими ўтказилади. 1901 йилдан буйн турли соҳалар бўйича берилётган мазкур мукофотга бу йил 13 киши сазовор бўлди. Шу муносабат билан 10 декабр куни Стокгольм шаҳрида тантанали маросим ўтказилади.

НОБЕЛ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

101-маротаба уюштирилган маросим ҳар доимгидек катта тантана билан ўтди. Бу галги омадли номзодларнинг ўн икки нафарига мукофотни Швеция қироли Карл XVI топширди. Олти йўналиш бўйича фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган янги соҳибдорлар фахрий ёрлик, махсус нишон ва ўн миллион крона (1,3 миллион АҚШ доллари тенг) миқдорида пул билан тақдирланди.

Хар бир маросимнинг ўзига хос урф-одатлари бўлади. Нобел мукофотларини топшириш маросими ҳам бундан мустасно эмас. Кечага тақдир қилинганларнинг барчаси фрак кияди. Маросим, айниқса, совриндорлар учун ниҳоятда мураккаб кечади. Улар тантананадаги хатти-ҳаракатларини узоқ вақт машқ қилади.

Кеча охирида катта зиёфат уюштирилди. Бу сафар Нобел жамгармаси, аввалгилардан фарқли ўларок, меҳмонларнинг яхши дам олиши ва вақтичлик қилиши учун «Циркер» цирк труппасини тақдир қилди.

Анъанага кўра, Нобел мукофотини топшириш маросими Норвегияда давом этади. Мазкур

маросим мамлакат қироли Харалд, қиролича Соня, қирол оиласи, парламент ва ҳукумат аъзолари ҳамда мамлакатнинг сиёсат ва жамоат арбоблари иштирокида ўтди. Ослодаги бу галги



тантаналарда АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер Нобел мукофоти билан тақдирланди.

Тинчлик йулида жонбозлик кўрсатган номзодлар орасида жаҳоннинг машхур сиёсатчилари кўпчилиги боис уларнинг энг муносибини аниқлаш бироз қийин кечди. Нобел академияси батафсил муҳокамалардан сўнг, мазкур мукофотни АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картерга беришга қарор қилди.

Фазлиддин АРЗИЕВ (ЎзА).

Турфа олам

ЖОНПҲЛАТ ПОЛВОН УЧ ЁШДА

Қабардин-Балқариянинг Терек шаҳрида яшовчи Жонпўлат Хатохов Россиянинг энг йирик ва кучли боласи, деб топилди. Энди у ёшдан ошган полвоннинг 40 килограмм тош босиши барчани ҳайратга солмақда.

Жонпўлатнинг бўйи ҳам тенгдошларидан анча баланд. Россиянинг рекордларни рўйхатга олиш қўмитаси ҳозирнинг ўзида катта кучга эга болакайни Гиннеснинг рекордлар китобига тавсия қилди.

«Жажжи пахлавонни болалар ва ўсмирлар олимпия мактабига машғулот ўтказишга тақдир этишганди. Унинг 24 килолик тошни қийналмай кўтариши одамларнинг қизиқишини янада орттирди.

Жонпўлат полвоннинг онаси - ҳамшира Неля Кабардокованинг яна икки нафар «оддий» ўғли бор. Бири 11, иккинчиси 15 ёшда.

(ЎзА).



ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Ҷим табассум

— Буви-чи, буви, — ҳовлиқиб деди мактабдан қайтган Болтабой, — кимё дарсида портловчи моддалар устида тажриба ўтказдик!
— Баракалла, — мактади бувиси, — эртага мактабга борсанг, бундан ҳам қизиқроқ дарслар бўлади.
— Қайси мактабни айтмасан, бувижон?

Йўловчи йўловчидан сўради:
— Кечирасиз, бу қўчада юриш хавотирли эмасми?
— Қизиқ экансиз. Хавотирли бўлса, мени бу ерда учратармидингиз!

Ярим кечада кўнғирок жиринглади. Уй эгаси эшикни очса, кўйиниси.
— Бевозта қилганим учун узр. Сиеҳингиз йўқми?
Уй эгасининг жон-пони чиқиб кетди:

— Қанақа сиеҳ? Соат иккида-я! Сиеҳ йўқ менда!
Ва эшикни тарақлатиб ёпди. Бир соатдан кейин яна кўнғирок жиринглади. Қараса, яна қўйиниси, хижолатомуз кулиб турди.
— Мана, марҳамат, мен сизга сиеҳ олиб келдим.

Музейга ташриф буюрганлар бири катта, бири кичик икки скелет олдида тўхтадилар. Экскурсовод изох берди:
— Манбаларда айтилишича, мана бу байхайбат скелет гум қабиласи бошлиғи Атилланики экан.
— Кичиги-чи? — қизиқиб сўради кимдир.
— Уми? — ҳозиржавоблик билан деди экскурсовод. — Атилланинг болаликдаги скелети.

Уйнинг гапи қўчага тўғри келмайди, деганларича бор экан. Оқ таваба, кўк таваба, энди ҳажвия ёзмайман. Бу қўчага бошқа бош сўмаганим бўлсин. Битта ҳажвия кам бўлса, ёзувчи олами қашшоқлашиб, осмон узлиб ерга тушмас. Менга тинчлик керак.

Ҳаммасига чойхонадаги ошхўрлик сабаб. Агар бормаганимда, тўғрироғи, Зокирнинг ҳангомасини эшитмаганимда бу машамашлар йўқ эди. Аслида гап бунда ҳам эмас. Жўрабонимиз кўлтигимга сув пураб, сенга тайёр хамиртуруш, қийма солиб сомса қилсанми, зувалалаб нон ёпасанми, ихтиёр ўзинг-да, демаганида бунчалар

ГАП ЭГАСИНИ

ўпкамни кўлтиқлаб қолмасидим. Мана, оқибати, ака-ука-ю, опа-сингилдан мосуво бўлиб ўтирибман. Амма хола-ю тоғажиялар ҳам рўпара келганда худди томи кетган одамни кўргандек шох ташлаб ўтадиган одат чиқаришди. Ҳаммасидан ҳам Зокирнинг зимдан қулиши-ю жўрабонининг бошини сарак-сарак қилишини айтмайсизми!

У бўлди, бу бўлди, хуллас, ҳажвиям газетада чоп этилган куннинг эртасигаёқ уйимиз тўрт томонига арқон тортилган рингга айланди-қолди. Боксини боқса-да. Лекин битта антика шарти бор: кўча эшикни тақиллатибми ёки шундайча бостириб кирган киши дўппослайди, менинг вазифам эса ҳимояланши. Демакки, натижа олдиндан маълум: фақат камина ютказди.

Аввал, бир маҳаллада турганимиз ҳурмати учун илдамлаб келган Хуснин оламнинг зарбаларини қайтаришимга тўғри келди.
— Ёзувчи бўлдим деб, энди ўзингникиларни ҳам масҳаралайдиган бўлсан-да, ука, - гина бир пасда писандага айланди. — Лоақал болалигингда этакингни туғиб қўйганларини эслабмансан-да. Эши бир жойга бориб қолганда ҳам куннинг ярмини кўзга олдида ўтказди, деганда мени назарда тутганидингиз? Шундай бўлса, икки қўлунг билан эшитиб қўй. Почнадаги ёқиб учун шундай қиламан. Ё қўчага чиқиб кетса яхшимиди?!

Иложим борича ҳимояландим. Лекин зарбалар кучли эди. Хушимга келганимда «соткасини ўйноқлаб турган укам Дилмуродга кўзим тушди. Ўпкам тўлиб кетди. Тургазиб кўяр деб ўйлов-

дим, йўқ, қайтага тилла тишларини ялтиратиб илжайди.
— Э хайрият, тирик экансиз, - деди у боғичга озги қўлгоғига етгунча бўлиб. — Мен қариндош-уруғларга хабар қилсамми, деб ўйлай бошлагандим.
— Галинг борми, айт-да жўна, ўзи мазам йўқ.

Нега бундай дедим, хайронман. Балки раҳмини келтирмоқчи бўлдимми ёки шундай қилсам кетади, деган хаёлга бордимми? Қаёқда. Тилла тишларидан захар сочиб, аллақайси юртдан келтирилган мушки анбарларни бурқситтириб, у ҳам дийдиёсини бошлади.

— Қизлар билан юришим сизга оғир боتماй кўяқолсин, - деди у чўнтагидан бир даста пул олиб. — Со-

Ҳажвия

вурсам ҳам ўзимники. Хоҳласам сизга бераман, хоҳласам қўчага ташлаб келаман.
— Ахир, мен...
Йўқ, тутатгани қўймади.
— Биламан, сенинг номинг йўқ-ку, демокчисиз. Лекин аҳмоқ эмасман. Ёзувчи бўлсам ҳам, ёзувчининг укасинман. Фарқимиз шуки, сиз гап териб юрасиз, мен эса пул...
Энг алам қиладигани, бокс бир четда қолиб, кик-боксингга ўтиб кетишга у тўла ҳақли эди. Бошимга шунча галваларни сотиб олиб берган ҳажвиям учун нари борса бундайроқ тушликни ўзимга раво қўришим мумкин. Мабоодо қизишиб кетсам, ё ҳамномандан қарз кўтаришим, ё хотиндан берикитган хазинани «сич-қон тушиди, гўлдур гуп!» қилишимга тўғри келади.

Қанча бехуш ёганимни билмайдиман. Қўзимни очсам, пешонамдан оққан совуқ терданми ёхуд укамнинг ўрнида пайдо бўлган аямим селпан сувданми, хайтовур кийимларим жижка ҳўл эди.
— Ҳолинг шунчалик экан, нима қилардинг ўзингга душман орттириб? Барибир амман менга мерхобиронда, ўйладим ичимда, негадир хўрлигим келиб. Ҳеч ким ачинмасам ҳам, шу киши кўнглини кўтаради. Қаёқда, бу навбатдаги киноя-пичингнинг «газаги» экан. Шундай зарбалар тушдики!
— Акамнинг арвоҳига солсам, нима бўлишингни биласанми? Амман гап-

ни анча олисдан бошлади. Демак, савалаш ҳам шунга яраша интиҳо топади.

— Уйланганимга қуданикига юбориладиган кўчқорни мана мен, сен газетада уриб чиққан амман оғиб келганди. — У қўсига икки-ўч шапатилатиб, баттар авжига чиқди. — Сеничи, берганинг бетига қабилда иш тутиб, қўй чўлок эди, деб ёзибсан. Аслида у машинадан тушаёганда темирга қоқилиб, хиёб оқсоқланиб қолганди. Шуми энди менга раҳматинг?
— Ҳой амма, мен бутунлай бошқа воқеа ҳақида ёзганман ахир. Жуда сиз ўйлагандек...

Хужум қилишга-ку ҳаққим йўқ, лекин тузукроқ ҳимояланши ҳам йўл беришмагач, додимни кимга айтаман! Ё қон айланши тезлашиб, ё боғи амман айтган чўлок кўчқор сузиб юбордимми, кўз ўнгим яна хиралашди.
Шу тариха то кун бутгун-

ТОПДИ

ча дам ўзимга келиб, дам ўзимдан кетиб, ола-тасир тушаётган зарбаларни амал-тахал қайтарган қўйи ҳолати разм бўлиб ётдим. Билмадим, икки халтани олканга осганча, икки халтани қўлга олганча ҳаллослаб хотиним келиб қолмаганда, холим не кечарди. Мени кўрди-ю, халталарни ерга улоқтирди.
— Вой дод, бизда нима қасдларинг бор, бундакда битта-ю-битта, тилаб олган эримни ўлдириб қўйсанлар-ку!
Ха, қочилмас экан. Итдан қўрққан гадодей бўлиб, бир пасда уйни, э кечирасиз, рингни тарк этишди. Юз-қўзим маматалоқ, эс-хушим унчалик бўлмасам-да, қулги ҳам қаердандир кела қолди. Қўзимга хотиним шунча яхши кўришиб кетдики! Телефон жиринглаб қолмасам, билмадим, нима бўларди.

Гўшаки олган хотиним «ҳозир чақираман» деди-ю, ёнига имлади. Жўрабоши экан.
— Эртага чойхонада ошхўрлик, иложи бўлса барвақтроқ кел. Зокир тагин янгисини топибди. Ажабтовур воқеа деярли.
Билмадим, қанча ётдим. Қўзимни очсам, бошимда хотиним ўтирибди.
— Уфатларингиз қўчада туришибди, тез бўларкансиз.
Яна хушимни йўқотдим.

Мухаммад ЗАЙНИДДИН.

Жаҳоннинг энг биринчи ҳаққиқий чемпиони эса Вильгельм Стейнедир. Аммо унчага шохмот дунёсида қандай воқеалар содир бўлган? Уша узоқ йиллари ҳам шохмот ўз қиролга эга бўлганми? Ха, эга бўлган! Тўғри, бугунги кунда ўтмишининг Филлидор, Лабурдоннэ, Стаунтов, Андерсен, Морфи каби шохмотчилари номи бизга унчалик ҳам маълум эмас. Бирок бу тож киймаган чемпионлар шохмот ҳазирги замон шохмот санъати бунчалик ривожланмаган бўларди.

1726 йили Мишель Домикан Филлидор оиласида Француз Андре исмли болакай дунёга келди. У 6 ёшида дона суришини ўрганди, 17 ёшида ажайиб шохмотчи бўлиб танилди. 1745 йили Франциянинг энг кучли шохмотчиси ўзининг устози де Легал билан «беллашиш» учун Голландияга йўл олди. Икки йилдан сўнг Лондондаги — ўша пайтда Буюк Британия пойтахти шохмот маркази бўлган «Слоутер» кафесида Франциялик меҳмон Альбионнинг «ақл ўйини» етакчиларини бутунлай «тор-мор» қилди. 1748 йили Голландияга қайтиб келгач, ўзининг машхур «Шохмот ўйини таҳлили» номи дарслигини ёзиб тутатди. Бу китоб 1749 йилда Лондонда француз тилида босилди. Иккинчи наشري 1777 йили, учинчи наشري эса 1790 йили чоп этилди. XVIII асрда Филлидорнинг ушбу

асари инглиз, немис, галанд ва швед тилларига ўғрилди, XIX асрда эса қарийб юз марта қайта нашр қилинди. Китобда дебют тахлиллар, партияларни ўйнаш принциплари қабилар аниқрашдан кўрсатиб берилган. Шохмотнинг объектив қонунларини топишга бўлган уриши унинг буюк хизматидир. Шохмот тарихида ёрқин из қолдирган Лабурдоннэ Филлидор анъаналарининг давомчиси ҳисобланади. Отасининг мол-мулки тугагандан сўнг Луи Шарль де Лабурдоннэ етук шохмотчи бўлишга қарор қилди. 1824 йилда у англиялик чемпионлардан ўзининг устунлигини кўрсатди. Фақатгина англиялик Мак-Донелли 6 учрашув натижасига кўра мағлуб этгандан кейингина Европанинг буюк шохмотчиси бўла олди. Лабурдоннэ шохмот тўғрисидаги биринчи журнал — «Паламед»га асос солди. У 1840 йили оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Худди шу йили Англияда Говард Стаунтон туғилди. У аввалига актёрлик, ёзувчилик билан шуғулланди. Бу унинг машхур шохмотчи бўлиб етишига ўз таъсири-

Турган-битгани мўъжиза

ТОЖ КИЙМАГАН ЧЕМПИОНЛАР

Шохмот бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карповни ким билмайди, дейсиз? Шунингдек, Б.Спасский, Т.Петросян, М.Таль, М.Эйве, М.Ботвинник, А.Алехин, Х.Капабланка, Э.Ласкер, В.Стейнецларнинг ҳам номлари барчага маълум. Уларнинг ҳаммаси турли йилларда шохмот тожи эгаси бўлганлар.

Жаҳоннинг энг биринчи ҳаққиқий чемпиони эса Вильгельм Стейнедир. Аммо унчага шохмот дунёсида қандай воқеалар содир бўлган? Уша узоқ йиллари ҳам шохмот ўз қиролга эга бўлганми? Ха, эга бўлган! Тўғри, бугунги кунда ўтмишининг Филлидор, Лабурдоннэ, Стаунтов, Андерсен, Морфи каби шохмотчилари номи бизга унчалик ҳам маълум эмас. Бирок бу тож киймаган чемпионлар шохмот ҳазирги замон шохмот санъати бунчалик ривожланмаган бўларди.

1726 йили Мишель Домикан Филлидор оиласида Француз Андре исмли болакай дунёга келди. У 6 ёшида дона суришини ўрганди, 17 ёшида ажайиб шохмотчи бўлиб танилди. 1745 йили Франциянинг энг кучли шохмотчиси ўзининг устози де Легал билан «беллашиш» учун Голландияга йўл олди. Икки йилдан сўнг Лондондаги — ўша пайтда Буюк Британия пойтахти шохмот маркази бўлган «Слоутер» кафесида Франциялик меҳмон Альбионнинг «ақл ўйини» етакчиларини бутунлай «тор-мор» қилди. 1748 йили Голландияга қайтиб келгач, ўзининг машхур «Шохмот ўйини таҳлили» номи дарслигини ёзиб тутатди. Бу китоб 1749 йилда Лондонда француз тилида босилди. Иккинчи наشري 1777 йили, учинчи наشري эса 1790 йили чоп этилди. XVIII асрда Филлидорнинг ушбу

асари инглиз, немис, галанд ва швед тилларига ўғрилди, XIX асрда эса қарийб юз марта қайта нашр қилинди. Китобда дебют тахлиллар, партияларни ўйнаш принциплари қабилар аниқрашдан кўрсатиб берилган. Шохмотнинг объектив қонунларини топишга бўлган уриши унинг буюк хизматидир. Шохмот тарихида ёрқин из қолдирган Лабурдоннэ Филлидор анъаналарининг давомчиси ҳисобланади. Отасининг мол-мулки тугагандан сўнг Луи Шарль де Лабурдоннэ етук шохмотчи бўлишга қарор қилди. 1824 йилда у англиялик чемпионлардан ўзининг устунлигини кўрсатди. Фақатгина англиялик Мак-Донелли 6 учрашув натижасига кўра мағлуб этгандан кейингина Европанинг буюк шохмотчиси бўла олди. Лабурдоннэ шохмот тўғрисидаги биринчи журнал — «Паламед»га асос солди. У 1840 йили оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Худди шу йили Англияда Говард Стаунтон туғилди. У аввалига актёрлик, ёзувчилик билан шуғулланди. Бу унинг машхур шохмотчи бўлиб етишига ўз таъсири-

ни кўрсатди. Тўғри, аввалига унинг омади келмади. Аммо вақти-соати келиб, энг яхши инглиз шохмот усталарига тенглашибгина қолмай, улардан ўзи ҳам кетди. 1840 йили +10-5-6 ҳисобида тахрибали Понерт устидан галаба қозонди.

1841 йилда Стаунтон «Чесс плейере проникл» журнаliga асос солди. Шохмот оид бир қанча китоб ёзди. Шунингдек, Халқаро шохмот ташкилотини тузиш гоёси ҳам Стаунтонга тегишли. Машхур шохмотчи 1874 йилнинг 22 июнида вафот этди.

1851 йили Лондонда I Халқаро турнир ўтказилди. Унда бреславлик 32 ёшли ўқитувчи Адольф Андерсен голиб чиқди. 1858 йили Морфидан мағлубиятга учраганидан сўнг эса қўпгина мутахассислар унинг номини шохмот дунёсидан «ўчиришга» шошилдилар. Лекин 1861 йилда у Коминни енгди. Орадан бир йил ўтгач, Лондонда ташкиллаштирилган II Халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади. Андерсеннинг сўнгги энг катта галабаларидан бири, 1870 йили Баден-Баденда ўтказилган халқаро турнирдаги муваффақиятли иштироки бўлди.

Ниҳоят, Морфи ҳақида. Пол Чарлз Морфи ашқлигиданоқ ажайиб хотираси билан ўз тенгқуларидан ажралиб турган. Она тилидан ташқари француз, испан, не-

мис тилларини ҳам билган. Биринчи Америка шохмот конгрессида осонгина галабани қўлга киритган 20 ёшли Морфи Американинг биринчи шохмотчиси бўлди. Морфи амалий ўйинлардан ташқари, тахтага қарамай ўйнаш қобилияти билан ҳам машхур эди. 1858 йили Морфи Парижда энг яхши шохмотчи билан бир-йўла саккиз тахтада ўйин ўтказди. Шохмотчилардан фақат иккитасигина дуранг натижага эришди. Америкада ҳаммани енгган Морфи, Европанинг Андерсен, Гаришч каби шохмотчиларини ҳам мағлубиятга учратди.

Жаҳон экс-чемпиони М.Эйве Морфи ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «Агар даҳонинг ажралиб турган хусусиятларидан бири, унинг ўз давридан анча илгариллаб кетиши бўлса, унда Морфи тўла маънода шохмот даҳоси эди. Ҳар қандай ҳолда ҳам, ҳатто, сўнгги даврларга қўйрилган тақдирда ҳам, Морфи ўзининг шохмот даҳоси номини сўзсиз сақлаб қолган бўлар эди».

Анвар ИНОҚОВ, шохмот бўйича спорт усталлигига номзод. (Давоми бор).

Иккала кўринишда ҳам оқлар бошлаб, ютукка эришади. Маҳоратингизни синаб кўринг.

Узбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшма Марказий қўмитаси Тошкент вилоят касабаси уюшма қўмитасининг ижтимоий сугурта йўриқчиси Тамара Қойга онаси

Любовь ПАКНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Муассис:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Мамура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.35

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотузда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.